Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 3-oktabr, payshanba № 121 (3314)





Юртимизда ҳар бир ҳудуд шароитига мос узум навини етиштириш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, Янгийўл, Зангиота, Самарқанд, Асака, Оҳангарон туманлари тўлиқ мева-сабзавот ва узум етиштиришга ихтисослаштирилди.

Токзорлар ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилаётган доимий эътибор бозорлар тўкинлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 мартда қабул қилинган 2013-2015 йилларда Республикада узумчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарори муҳим омил бўлмоқда.

Соҳа ривожида фермер хўжаликлари билан бирга саноат корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси тизимидаги узумни қайта ишлашга ихтисослашган бир юз йигирмадан ортиқ корхона томонидан саноатбоп токзорлар барпо этиш, ер унумдорлигини ошириш ҳамда тармоққа инновацион ғояларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Хўжалигимиз ер майдонини кенгайтириш, ноёб Европа навларини янада кўпайтириш мақсадида тўқсон хилга яқин узум навларидан иборат коллекция яратилди, — дейди Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Настарин-Жасмин» фермер хўжалиги раҳбари Нодира Акромова. — Ҳозир уларни юртимиз иқлим шароитига мослаштириш ва юқори сифатли маҳсулот етиштириш учун меҳнат қилаётирмиз. Бу борада бизга «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси мутахассислари яқиндан ёрдам бермоқда.

Ҳозир компания тизимидаги корхоналарда мингдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда улар 117,7 минг тонна узумни қабул қилиш ва қайта ишлашни режалаштирган. Айни пайтда соҳибкорларимиз ўзлари етиштирган хомашёни қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш етказиб бермоқда.

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

## 2013 йил — Обод турмуш йили

**Кегайли туманига ташриф буюрган киши ўзини янги барпо этилаётган шаҳарчада юргандек ҳис этади. Негаки, бу ерда қисқа муддатда барча қулайликларга эга бўлган кўркам турар жойлар барпо этилди.**

# Ҳам қулай, ҳам мустаҳкам

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қорақалпоғистонликларнинг кўнглидаги иш бўлди.

Оролбўйида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмачилигида 2010 йил 310 та, 2011 йилда 345 та ва ўтган йили 400 та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Уй эгаларига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан имтиёзли кредитлар берилди.

Обод турмуш йилида ўн саккизта овул ҳудудида 550 та замонавий турар жой қурилади. Янги замонавий уйлар ёнида савдо мажмуалари, тиббиёт пунктлари, спорт майдончалари ва бошқа хизмат кўрсатиш иншоотлари қад кўтаради.

— Бундай мустаҳкам иморатлар намунавий уй-жой қурилиш массивларида аниқ лойиҳа ва режа асосида махсус ташкилотлар томонидан тез ва соз амалга оширилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Қувватбой Қадримбетов. — Энг муҳими, бундай уй-жойлар муҳандислик коммунал тармоқлар, узлуксиз электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви билан таъминланган. Канализация тармоқлари ўрнатилган, текис ва равон йўллар қурилган.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган турар жойлар замонавий архитектура талабларига тўла жавоб бериши ва мукаммал инфратузилмага эгалиги хонадон соҳибларини мамнун этаяпти. Турар жойларни қуришда Оролбўйининг ўзига хос табиати, рельефи ва экологик шароити ҳисобга олинаётганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

**Иззат ҲИКМАТОВ**



## Иқтисодиёт

**Хоразм вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 6 декабрдаги Урганч шаҳар бош режасини амалга ошириш, Хоразм вилояти аҳолиси ичимлик суви таъминотини ва ободончилигини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир.**

# Сув таъминоти яхшиланмоқда

Вилоятда сув тозалаш иншоотлари ва сув қувурларини доимий ишчи ҳолатида сақлаш, аҳолига ичимлик сувини кафолатли етказиб бериш ҳамда ичимлик суви тармоқларини реконструкция қилишга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда. 2013 йилда сув таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва ривожлантириш дастури доирасида Урганч шаҳри ва унга туташ ҳудудларда 112 километр тоза ичимлик суви тармоқлари ётқизилди. «Копарасс» насос станциясидан йирик ҳажмли қувур тортиш ҳамда Питнак ва Урганч шаҳарларидаги сув тақсимлаш иншоотининг 2-насос станциясини реконструкция қилиш бўйича белгиланган ишлар жадал олиб борилмоқда.

Айни кунларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қўшимча 25 объектда 43,5 километр масофадаги тармоқни барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Урганч шаҳридаги 10 маҳалла ва қишлоқ аҳоли пунктларида қўшимча равишда 36 объектда 6 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Бу 48 минг нафарга яқин аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

**ЎзА**

## Байрам тадбирлари

**Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан Андижон вилояти шаҳар ва туманларида маданий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.**

# Қанча алқасак оз

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши томонидан ўтказилган байрам тадбирида 320 нафардан зиёд ўқитувчи ва мураббий иштирок этди.

— Мустақиллик туфайли юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар чинакамига қадр топди. Уларга байрам муносабати билан 9 млн. 200 минг сўмлик касаба уюшма совғалари топширилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Э.Каримов.

Асака ва Жалақудуқ туманларида ҳам шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

**Ўз мухбиримиз**

## Ибрат

**Бухоро туманидаги «Маданият Муҳаммад Исмат» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммад Аҳмедовни вилоят аграр соҳаси ходимлари яхши билишади. Олтмиш беш ёшни қаршилаётган Муҳаммад аканинг меҳнат фаолияти асосан деҳқончилик билан боғлиқ. У ўттиз йилдан зиёд вақт давомида ширкат хўжалигида раҳбарлик қилди. Ишдан ажралмаган ҳолда пахтачилик соҳасида илмий тадқиқот олиб бориб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.**

# Саховатли фермерлар

Фермер хўжаликлари ташкил этилгач, Муҳаммад ака ҳам мулкдорлар сафидан ўрин олди. У бошқараётган хўжалик деҳқонлари йил сайин катта муваффақиятларга эришмоқда. Масалан, жорий йилда ғаллачиликда энг юқори натижа қўлга киритилди. 106 гектар ғаллазорнинг ўртача ҳосилдорлиги 80 центнерни ташкил этди. 848 тонналик ялпи хирмондан 465 тоннаси шартнома асосида давлатга сотилиб, бу борадаги режа ошириб бажарилди. Фермернинг ўз ҳисобида қолган доннинг 50 тоннаси эса жамоа аъзолари ва эҳтиёжманд оилаларга тарқатилди.

Саховатли фермер даромаднинг бир қисмини хайрли ва савоб ишларга сарфламоқда. Чунончи, тумандаги 34-ўрта умумтаълим мактабини таъмирлашга 11 миллион сўм, вилоят тез ёрдам шифохонаси таъмирига 5 миллион сўм, Бухоро Давлат университетининг агрономия йўналишида таҳсил олаётган 2 нафар талабанинг тўлов шартномалари учун 4 миллион сўм, «Кўчкисафед» қишлоқ врачлик пунктини таъмирлашга 2 миллион сўм ажратди.

Шунингдек, Пешку туманидаги «Туркон ёғдуси», Қоровулбозор туманидаги «Умар Шариф», Шофиркон туманидаги «Омад юлдузлар шодаси», Ғиждувон туманидаги «Файз», Олот туманидаги «Асл Жаҳон Омон», Қоракўл туманидаги «Тўра полвон Арналик» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ҳам даромадлари ҳисобидан ободончилик ва хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшдилар.

Юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган саховатли фермерларнинг ибрати кенг қулоч ёймоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Ислоҳот одимлари

# Кутчида ҚВП

**Шаҳрисабз туманидаги Кутчи қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади.**





— Ушбу тиббиёт муассасаси замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, аҳолига тез ва самарали тиббий хизмат кўрсатиш имконини беради, — деди ҚВП мудири Абдуҳалим Исоқов. — Кутчи, Зачкана, Янгиқишлоқ, Чўқин, Эски Чоршанбе қишлоқларининг 13 мингдан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатадиган ушбу муассасада 5 нафар шифокор ҳамда 29 нафар ўрта тиббиёт ходими меҳнат қилади.

— Биз бу қишлоқ врачлик пункти қурилишини кўпдан бери орзу қилардик. Давлатимиз ғамхўрлигининг яна бир ёрқин кўриниши бўлган ушбу маскан қариялар, оналар ва болалар учун ўзига хос саломатлик қўрғонига айланди, — дея дил сўзларини изҳор қилди Сайфулла бобо Раҳматов.

**Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири**

## Янгиликлар оқимидан

### АНДИЖОН

**Хўжаободлик тадбиркор Мастура Қорабоева ўз маҳалласида «Мадонна» тикувчилик цехини ташкил этиб, коллежни битирган чевар қизларни иш билан таъминлади.**

### КОЛЛЕЖДАН ТИКУВ ЦЕХИГА

Россия ҳамда Япония давлатларидан келтирилган тикув ва тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқариш суръати ва сифатини оширмоқда. Аҳоли ва ташкилотлар буюртмаси асосида тайёрланаётган пардалар, келин либослари, устки кийимбош, ҳарбий формалар, болалар кийимлари мижозларга манзур бўлмоқда. Ҳозир бу ерда маҳалладошлардан яна 5 нафари уста-шогирд усулида ҳунар ўрганмоқда.

**Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири**

### ФАРҒОНА

**Нурсух қишлоғи — Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги қадимий ва обод масканлардан бири. 20 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган қишлоқ қиёфаси истиқлол йилларида тубдан ўзгарди. Кўримсиз, пастқам уйлар ўрнида замонавий турар жойлар, турли инфратузилма иншоотлари қад кўтарди, кўча ва хиёбонлар, дам олиш маскани, спорт майдончаси барпо этилди.**

### НУРСУХ ЖАМОЛИ

Обод турмуш йилида Илҳомжон Тўхтабоев, Баҳромжон Обиддинов, Отабек Мусаев сингари тадбиркорлар кўмагида ўндан ортиқ замонавий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга тушди. Кенагас ва Қўрғонча маҳаллаларида барча шароитларга эга болалар спорт майдончалари фойдаланишга топширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» танловининг мамлакат босқичида мазкур маскан иккинчи ўринни эгаллади.

**ЎзА**

### САМАРҚАНД

**«Каттақўрғон пахта тозалаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ходимларга хавфсиз иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

### ХАВФСИЗ ШАРОИТ

Эскирган ускуна ва жиҳозлар янгиланиб, натижада, корхона қуввати мавсумда 55 минг тонна пахтани қайта ишлаш даражасига етказилди.

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти ташаббуси билан 400 нафар ходим меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари юзасидан сабоқ олишди.

**Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири**

### ҚАШҚАДАРЁ

**Мамлакатимиздаги йирик нефт-газ гигантларидан бири ҳисобланган Шўртангазкимё мажмуаси қошида (Деҳқонобод туманида) уч турда лампа ишлаб чиқарадиган корхона ташкил этилди ва касб-ҳунар коллежларини битирган 47 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.**

### ДЕҲҚОНОБОД ЛАМПАЛАРИ

— Хитойдан келтирилган замонавий технология ёрдамида кунига 2600-2800 дона лампа ишлаб чиқарилмоқда,— дейди цех лаборанти Юлдуз Оллоёрова. — Аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, маҳсулот ҳажми ортади.

**Ўз мухбиримиз**

"Ishonch" — Сизнинг газетангиз

Нашр индекси — 133

2014 йил учун обуна бўлишни унутманг

